



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммадҷон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммадҷон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оғли
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Маҳмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NI KOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЖАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ибрагимова Умида,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти
"Сахна нутқи" кафедраси катта ўқитувчиси

ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-18>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёшларимизни маънавий тарбиясини мукамал қилиш, уларнинг қалбида ватанга бўлган муҳаббат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни шакллантириш, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналарининг ўрни, ҳамда мусиқали театр актёрларини тарбиялашда устозлар қолдирган анъаналардан кенг фойдаланиб ривожлантириш, анъаналарни давом эттириш услублари ҳақида кенг ёритилган.

Калит сўзлар: анъана, маҳорат, услуб, шакл, руҳият, нутқ, образ, дoston, эпос, актёр, қахрамон, сиймо, тарих, ноёб, манбаа, фидоий, мерос, ария, саҳна, техника.

Ибрагимова Умида,
Старший преподаватель кафедры "Сценическая речь"
государственного института искусство и культуры Узбекистана

СЦЕНИЧЕСКАЯ ВЫРАЗИТЕЛЬНОСТЬ ЖИВОГО СЛОВА

АННОТАЦИЯ

В статье говорится об эстетическом воспитании молодёжи, как нужно воспитать в них любовь к родине, понимание и доброту и высшие человеческие качества, всестороннем развитии воспитания народный этнос предания творческое наследие для воспитания актёров музыкального театра ярко изложен в этой статье.

Ключевые слова: Обычай, талант, вид, форма-ракурс, дух, речь, образ, предание, эпос, актёр, герой, личность, история, редкостная, источник, преданный, наследие, ария, сцена, техника.

Ibragimova Umida,
Senior teacher of the department "Stage Speech" State Institute of Arts and

STAGE EXPRESSIVENESS OF THE LIVING WORD

ANNOTATION

The given article highlights to enhance of youth, to develop human value in their soul as love to their country, to expose them the role of people's sayings, to use great teachers' leaving traditions and to continue their traditions in educating theatre actors.

Key words. Tradition, skill, style, shape, spirit, speech, character, dastan, epos, actor, hero, image, history, rare, information, unselfish, heritage, stage, technics.

Хар қандай жамиятнинг эртанги кунда ёш авлоднинг қай даражада тарбия топаётгани муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда ёшларимизга қаратилаётган юксак эътиборни эртанги келажакимизнинг буюк пойдевори, десак муболаға бўлмайди. Ёш авлодни маънавий тарбиясини мукамал қилиш, уларнинг қалбида ватанга бўлган муҳаббат, меҳр-оқибат каби инсоний фазилатларни шакллантириш, ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш дostonлар, ибратли эртақлар, ривоятларнинг ўрни беқиёсдир. Муסיқали театр актёрларини тарбиялашда албатта бунга аҳамият қаратиш ҳамда устозлар қолдирган анъаналардан кенг фойдаланиш талаб этилади. Ушбу мактабни ривожлантиришда эса анъаналар билан бир қаторда ўзгарувчанлик ҳам хосдир. [1] Устозлардан ўрганган услубларни ёш педагог мустақил қўллаганда нималардир ўзгаради, нималардир қўшилади ва янгича ёндашув пайдо бўлади. Бироқ бу ўзгаришларнинг барчаси пухта ва мустаҳкам анъаналар доирасида бўлиши керак. Анъанавий таълимда талабаларни пухта билимларни эгаллаш билан бирга мустақил фикрлашга, ижодий изланишга, ташаббускорликка ўргатиб келинган.

Муסיқали театрни оёққа туришида Лутфихоним Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Ҳамза Умаров, Сойиб Хўжаев каби ўнлаб санъат дарғаларининг хизматлари сингган. Уларнинг ёшларга қолдирган бой маънавий мероси, ижрочилик маҳорати борасидаги анъаналари муסיқали театр тарихида ноёб дурдона ва юксак намуна сифатида яшаб келмоқда. Гарчанд, инсоният ва даврлар ўзгара-да, устоз санъаткорларнинг ижодий фаолияти ўз моҳияти ва кучини йўқотмайди. Даврлар ўзгариши жараёнида бугунги кун ижодкорларининг ижодий услублари ҳам ўзгариб, ранг-баранглик касб этиб боради, актёрлик маҳорати борасида эса, бу соҳага улкан ҳисса қўшган устоз санъаткорлар ибрати асос бўлиб қолаверади. Бу борада бугунги кун актёрлари ҳам устозлар анъанасини такомиллаштирган ҳолда бўлса-да, сақлаб қолишга интилади.[2] Зеро, саҳнадаги ижро қандай шакл ва услубда, хоҳ замонавий бўлсин, хоҳ тарихий муҳит бўлсин, уни томошабинга етказувчи ва бевосита таъсир этувчи асосий куч сўз ва актёрнинг ижро маҳоратига боғлиқдир.

Биз ёшлар анъаналарни чуқур ўрганган ҳолда ва бугунги замонавий йўналишдаги давр нафаси, руҳияти, фалсафасини янги педагогик технологиялар билан уйғунлаштиришимиз керак.

Узоқ ўтмишдан дарак берувчи асарлар тиклансагина, ёшлар ундан ўзига тегишли бўлган хулосани чиқара олади. Бугунги томошабин енгил-елпи асарларни жуда яхши тушунади ва таҳлил қила олади. Ҳозирги кунда ўсиб келаётган авлодга ўртак бўладиган, ватан, ота-она, ёрга, оилага меҳр-муҳаббат қандай бўлиши кераклигини намоён қила оладиган асарлар театр репертуарини бойитиши керак.

Биз актёрлар тарбиясида устозларнинг тажрибаси, ибратли томонларини сингдиришга интиламиз. Муқимий номидаги ўзбекистон давлат мусиқали театри актёрлари Маҳмуджон ўофуров, Ҳамза Умаров, Раззоқ Ҳамроев, Суръат Пўлатовлар спектаклда рол ижро этганда нутқининг тозаллиги, равонлиги билан ҳаммани таъсирлантирган.

Маҳоратли актёр, забардаст режиссёр Раззоқ Ҳамроев "Муқимий" мусиқали драмасини Ўзбекистон халқ артисти Маннон Уйғур билан бирга саҳналаштирган ва бош рол Муқимийни ўзи ижро этган.

Муқимийнинг севгилиси Обидахон образини Ўзбекистон халқ артисти Эътибор Жалилованинг эҳтиросли ижроси туфайли ўзига хос жозиба касб этган. Р.Ҳамроев Муқимий монологи жараёнида унинг ички кечинмаси билан яшар, сўзлари ҳаракатларига, ҳаракатлари сўзларига узвий боғланиб кетар эди. У ҳаётда ҳам, саҳнада ҳам унли ва ундош товушларни бенуқсон талаффуз этган. Айниқса унли товушлар Р.Ҳамроев ижросида ғоят даражада гўзал, ифодали, чиройли чиқар, "х", "ҳ" товушлари ҳам яхши ифодасини топган эди. Муқимий образини яратишда ҳам Муқимий яшаб ўтган даврни акс эттирувчи жуда кўп бадиий-илмий асарларни чуқур ўрганган, таҳлил қилган. Муқимий номидаги мусиқали театрнинг раҳбари ҳамда режиссёри Раззоқ Ҳамроевнинг энг яхши анъаналаридан бири бу, ёшларни миллий қадриятлар, урф-одатларимиз, ватанга, оилага бўлган меҳрни акс эттирган саҳна асарларида устоз санъаткорларнинг яратган образлари, улардаги анъаналарни олиб киришга уринган.

Р.Ҳамроев монолог, ғазал ўқиш бобида тенги йўқ санъаткор бўлган. Унинг талаффузи ниҳоятда тоза бўлиб, жарангдор, сокин овози билан томошабинни ўзига ром этган. Унинг нутқи ташқи ҳолатига ниҳоятда мос келган. Юзидаги иссиқ истарани баъзан норозилик ҳолатларида жиддий, таъсирчан ҳолатга айлантира олган. Актёр драматик ҳолатни чуқур идрок эта олган. Қаҳрамонининг орзу-умидлари ушалиб, бахтли бўлишни чин дилдан истаб ижро этган. Сўз хатти-ҳаракати мана шундай саҳналарда тўлиқ ўз ифодасини топган.

"Р.Ҳамроев шоиртабиат одам эди, жуда кўп бадиий асарлар мутолаа қилар эди. Унинг машҳурлиги битта қаҳрамон образини яратишда илмий манбалардан кўп фойдаланишда намоён бўлади. Кунт қилиш, меҳнат қилиш, ижодий изланиш деган тушунчаларни олдинги планга қўяр эди. Р.Ҳамроев концертларда, кечаларда, тантанали йиғилишларда монологлар айтиб, томошабинларга эстетик завқ бағишлар, қалбини тўлқинлантириб, уларнинг ҳурматиغا, олқишига сазовор бўлар эди".[3] Профессор Махкам Исроиловнинг ушбу сўзларидан Р.Ҳамроевдек ижодкорнинг сўзга бўлган эътиқоди, эътибори, меҳри сабабли дейиш мумкин. Айниқса мусиқали театрда Раззоқ Ҳамроев сингари даҳо санъаткор ижро қилган саҳна асарларида, унинг саҳна нутқи маҳорати борасидаги кенг кўламли истеъдоди, ёрқин салобати ҳали-ҳануз халқимиз ёдида яшаб келмоқда. Сўз шундай эътиборталаб манбаки, актёр уни ҳамиша такомиллаштириб, мустаҳкамлаб бормаса, тезда талаффузда "ноаниқлик", "дағаллик", "жонсизлик" пайдо бўлади. Бу ўз ўрнида адабий тилни доимо чуқур ўрганиб, ўзлаштириб боришни тақозо этади.

Муқимий театрининг яна бир етук санъаткори бу Ҳамза Умаровдир. Унинг ижодий фаолиятида ҳам саҳна нутқида бўлган эътибор алоҳида тадқиқотга эга объект ҳисобланади. Актёрдаги кучли драматургик, мусиқий маҳорат билан бирга нутқий истеъдод ҳам мусиқали театр тарихида ўлмас образлар пайдо бўлишида асос бўлади. Ҳамза Умаровнинг саҳна нутқида бўлган эътибор билан ишлаши

мутахассис ва мухлисларни ўзига жалб этган. У бутун умрини театр санъатига бағишлаган, жаҳон киноси олтин хазинасидан ўрин олган мингга яқин киноленталар дубляжида овоз берган, ўзбек бадий киносининг энг сара намуналарида роллар ўйнаган. У қолдирган мероссерқирра ва кўлами кенглиги билан кишини ҳайратга солади.

Ҳамза Умаров ижодининг дастлабки онларидаёқ сўзга талабчан бўлган. У муаллиф ёзган персонаж нутқига сайқал бериш, катта мазмун юклаш актёрнинг вазифаси деб билган. "Ноўрин сўз ортиқча ҳаракатни келтириб чиқаради, асосланган сўз фикр жонли ҳаракатни яратади. Сўз ва ҳаракат номувофиқлиги актёрга образнинг етакчи ҳаракатни топишга ҳалақит беради", деб таъкидлаган.

У юзга яқин фильмда рол ўйнаган бўлса, уларнинг аксар қисми салбий ва мураккаб психологик образлардир. Ҳамза Умаров чин маънодаги импровизатор актёр бўлган. Агар у бир ролни ўн маротаба ўйнаса, ўн хил яратган. Янги-янги топилмалар орқали ўз ролини, қолаверса, спектаклни бойиган. Ҳамза Умаров дубляж санъатидан жуда кўп нарсани ўрганган экан. Унинг нутқи паст ва юқори, ўрта регистрдаги тўғри нафасга қўйилган бўлиб, жуда ёқимли ва таъсирчанлиги билан ажралиб турган. У қаҳрамонларининг нозик ҳиссиётларини ўз овози билан бемалол ифода эта олган. "Иван Васильевич касбини ўзгартиради" комедиясидаги Иван Буншани сатирик тарзда ифода этса, Иван Грознийнинг фармонбардор характерини шиддаткор руҳда ифодалашга эрган. Ҳамза Умаров сўз сеҳри орқали образни талқин қилишда беқийс маҳорат эгаси эди. Айтишларича, Осиё, Африка, Лотин Америкаси 4-халқаро кинофестивалига ташриф буюрган ушбу ролижрочиси Юрий Леонов телевизорда бу фильмни кўриб, Ҳ.Умаровнинг дубляж маҳоратига дол қолган экан.

Ҳ.Умаров Муқимий театридан нафақага чиққанидан сўнг, то вафотига қадар собиқ Тошкент Маданият (ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият) институтида талабаларига саҳна нутқидан сабоқ бериб келган. Унинг ташаббуси билан "Саҳна нутқи" кафедраси ташкил этилган[4].

Марҳум санъаткор Равшан Солиҳов устози Ҳ.Умаров ҳақида шундай эслайди: "Ҳамза Умаров менинг назаримда санъатга садоқатнинг юксак намунаси эди. У киши ҳар бир ролига катта масъулият билан ёндашарди. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига, сўзига, юз-кўз ифодаларига эътибор бериб, ён дафтарига ёзиб юрарди... У кишининг овозида шира, оҳанг, жаранг бор эди. Менимча, у сўз билан образ ярата оладиган актёр эди. Мен худди шунақа сўз ва овоз билан образ яратадиган актёрни Шукур Бурхонов сиймосида кўрганман."

Бугунги кунда устоз санъаткорлар қолдирган саҳна нутқи борасидаги ибратли анъаналарни такомиллаштиришга катта эҳтиёж мавжуд. Бу борада мусиқали театрнинг устоз-шоғирдлик анъаналарини янада такомиллаштиришга тўғри келади.

Биз актёрлар тарбиясида устозларнинг тажрибаси, ибратли томонларини сингдиришга интиламиз. Мусиқали драма театри буюк устозлар ижод қилган санъат қошонаси бўлиб, бу ерда актёрлардан ҳам драматик, ҳам мусиқали образларни юқори маҳорат билан талқин қилиш талаб этилади. Шу билан бирга актёр ижодкорлар ҳар томонлама лаёқатини такомиллаштириб, профессионал маҳоратини ўстириб бориши керак. Бугунги кунда ёшларимизнинг санъатга бўлган иштиёқлари баландлиги барчани қувонтиради. Уларнинг ажлодларимиздан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган устоз-шоғирдлик анъанасини янада такомиллаштириши, муҳим масаладир.

Ҳар бир ижрочи асарни тингловчига гапириб бериш билан чекланмай, уни жонлантириши, бадий етук шаклда талқин этиши лозим. Аслида ижрочилик санъатининг сеҳр ва қудрати ҳам шундадир. Ёмон талаффуз, овоз ёки маълум иш меъёрига етказилмаган нафас воситаси билан ҳеч қандай асарни бадий етукликка кўтара олиш мумкин эмас, аксинча, тингловчи нима дейилаётганлигига тушунмай, эшитолмай ва англаёлмай қолади ва хаёли паришон бўлади, демак, ижрочининг меҳнати зое кетади. К.С.Станиславский айтганидек, "яхши актёрда ҳар бир унли ва ундош аниқ эшитилиб туриши керак. Ана шундагина у сўзнинг нима эканлигига тушинади, фақат шундагина у сўзни сева билади".

Устоз санъаткорлар эса чин маънода сўзни сева олганлар. Шу сабаб ҳам улар яратган ҳар бир образ қадрлидир. Бу борадаги нутқ маҳоратининг қай даражада шаклланганлигини образнинг қийматига қараб билишимиз мумкин. Аввало, саҳна нутқининг асосий мақсади, адабий материал замирига жойлашган жуда бой ва ранг-баранг теран мазмундорликни, гоёни очиб бериш ва уни бадий етук шаклда талқин эта билиш, жонли сўз таъсирчанлигини ошириш ва унга эстетик нафосат бағишлай олишни ўргатишга қаратилган. Пьесани томошабин ўқиб чиқиш билан ҳам чекланиши мумкин, лекин у ижрочи талқинида янада чуқурроқ, аниқроқ, ёруғроқ, жозибдор мазмун касб этганлиги учун, уни томоша қилишга, эшитишга ҳам алоҳида вақт ажратади.

Агар бирор актёр топширилган образ нутқидаги бирор парчани ижро этсада, ижрочилик сифати ёмон бўлса, парча, ижрочилик маъносида, бадий сўзлик сифатини йўқотади. Бироқ бу ҳукм ҳам нисбий характерга эга, чунки адабий парчадаги бадий сўз ўз кучида қолгани холда, ҳукм ижрочилик аспектидаги бадий сўзга чиқарилган бўлади. Мусиқа эшитиш, чолғу чала олиш, ашула айтиш каби, бадий ижро этиш истеъдоди ҳам ҳар кимда учрайвермайди. Шунинг учун ҳам бадий ўқишдаги ҳис-ҳаяжон ва кечинма деганда ҳар қандай ҳис-ҳаяжон ва кечинма эмас (чунки у ҳар кимда бўлиши мумкин, бироқ, ундан ижрочилик асари бадий тус олавермайди), балки муайян адабий материал мазмунини очишга қодир бўлган ифодаларни зухур эта олувчи муҳсус кечинма назарда тутилади. Биз устоз санъаткорлар ижросига ва ижодий фаолиятига доир маълумотлар ва хотиралар билан танишар эканмиз, саҳна нутқи маҳоратига тегишли бўлган юқоридаги каби тушунчаларни, маълум бир қонун-қоидаларни, нутқнинг ўзига хослик жиҳатлари ва хусусиятларини нақадар пухта ва самарали ўзлаштирганликларининг гувоҳи бўламиз.

"Буюк немис адиби, файласуфи, театр санъати намояндаси Иоганн Гёте айтгандек, актёр аниқ ва равшан, дикцияни ўзлаштиришга уриниши керак, зероки емирилган бир ҳарф ёки ноаниқ талаффуз этилган бирор сўз бутун жумлани икки маъноли қилиб қўяди ва томошабинга сингиб бораётган иллюзияни қатъиян бузиб, баъзида, ҳатто энг жиддий пайтларда кулишга мажбур қилади". Товушларни тўғри талаффуз эта олмаслик, улардан унумли фойдаланмаслик ва сўзга бефарқлик ижрочилик санъатининг ашаддий душманидир.

Адабиётлар:

1. А.Олимжон. "Тошкент ҳақиқати" 11 июнь 1957 й.
2. М.Исроилов. "Диалог устида ишлаш". Тошкент 1995 йил.
3. К.С.Станиславский. Сайланма III-том. "Искусство" Москва 1955 йил

4. И.Пўлатов. "Саҳна нутқи". Тошкент "Ўқитувчи" 1994 йил 53 бет.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000